

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИДА «ТРАНСПОРТ ВА ТУРИЗМ  
ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА  
МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИ**

Шукуров Фарходжон Норкулович  
ИИВ Академияси кафедра катта ўқитувчиси

**Аннотация**

Мақолада ички ишлар органлари транспортда ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини самаралаи ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича малакали кадрларни тайёрлаш зарурати бугунги кундаги долзар масала эканлиги, унинг йўлга қўйилиши орқали келажакда кутилаётган натижаларининг илмий-амалий таҳлиллари юзасидан мулоҳаза юритилган.

**Аннотация**

Абстрактный. В статье в целях эффективной организации деятельности органов внутренних дел на объектах транспорта и туризма Академия МВД Республики Узбекистан было признано, что необходимость подготовки квалифицированных кадров по направлению «Безопасность деятельности на объектах транспорта и туризма» является актуальным вопросом на сегодняшний день, и обсуждены научно-практические анализы ее ожидаемых результатов в будущем.

**Annotation**

In order to effectively organize the activities of internal affairs bodies at transport and tourism facilities, the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan recognized that the need to train qualified personnel in the direction of "Safety of activities at transport and tourism facilities" is an urgent issue today, and scientific and practical analyzes of its expected results in the future.

Транспорт халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, бугунги кунда уни мамлакатнинг ҳақиқий «ҳаёт томири»га қиёслаш мумкин. Мамлакатимизда темир йўл ва ҳаво транспортларининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда.

Темир йўл ва ҳаво транспортида яратилган имкониятлардан фуқароларнинг тўлиқ фойдаланишлари ҳамда уларнинг ўз манзилларига тез ва хавф-хатарсиз етиб боришлари, барча турдаги юklarнинг белгиланган манзилларига хавф-хатарсиз етказиб берилишида ички ишлар органлари, хусусан унинг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ўрни бениҳоят катта.

Темир йўл ва ҳаво транспорти объектлари ва ҳудудларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси таъминлаш каби асосий вазифалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш

лозимки Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг зиммасидаги вазифаларини тўлақонли бажаришлари учун ички ишлар органларининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш зарурати юзага келмоқда. Бунинг учун эса ИИБ Академиясида “Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолияти” мутахассислиги бўйича малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Буни бир қатор омиллар билан асослантириш мумкин.

Хусусан, транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳудудий ички ишлар органларининг бу борадаги фаолиятига қараганда **ўзига хос хусусиятларга эга** бўлиб, ушбу тизимга нисбатан алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бу ўзига хослик қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- хизмат кўрсатиш ҳудудларининг бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликлардан ўтиши, узунлиги, объектларнинг тоифаланганлиги;
- йўловчи ва юklar миграциясининг узлуксиз, мунтазам ва интенсивлиги;
- темир йўл транспорти орқали хавфли ва махсус юklarнинг ташилиши;
- транспорт ва туризм объектларида бир вақтнинг ўзида кўп сонли йўловчиларнинг жамланиши ҳамда уларнинг доимий ўзгариб туриши;
- йўловчи ташиш жараёнлари ҳамда туристик объектларга ташрифлар мавсумий ўзгариб туриши;
- транспорт ва туризм (экотуризм)нинг тоғли, чўл ва бошқа муҳофаза ҳудудларида жойлашган объектларида фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфининг юқорилиги;
- транспорт инфратузилмалари, хусусан юк ташувчи ва йўловчи вагонларида содир этиладиган шахсга, соғлиққа, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва уларнинг олдини олишнинг ўзига хослиги;
- темир йўл ва унинг кесишмаларида ҳаракатдаги локомотивлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳодиса жойини кўздан кечириш, ушбу ҳолатлар билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ҳамда уларнинг олдини олиш борасида мутахассислардан махсус касбий билимларга эга бўлишнинг талаб этилиши;
- ушбу бўлинмаларда хизмат қилувчи ходимларнинг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тўғридан-тўғри ҳокимият вакили сифатида мулоқотга киришиши сабабли уларда халқаро ҳуқуқий билимлар ва касбий маданиятнинг юқори бўлиши лозимлиги. Бугунги кунда ички ишлар органларининг транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларидаги мавжуд офицерлик лавозимлари **ИИБ Академиясини тегишли мутахассислик йўналишлари бўйича умумий тарзда тайёрланган кадрлар, шунингдек фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаганлар ҳисобидан** жамланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари учун **йиллик ўртача 30-40 нафар малакали мутахассис офицерларга эҳтиёж мавжуд** бўлиб, Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотларда иштирок этганларнинг **90,2 %** ҳам ИИБ Академиясида “Транспорт ва туризм объектларида

хавфсизликни таъминлаш фаолияти” мутахассислиги бўйича малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаган<sup>1</sup>.

Бу борадаги илғор хориж тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, хориж (Россия<sup>2</sup>, Туркия, Корея, Хитой<sup>3</sup>, Белорусь, Қозоғистон)нинг турдош олий таълим муассасаларида бевосита “Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолияти” мутахассислиги ёки шунга яқин мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмаган бўлса-да, айрим давлатларда соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тизим учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос тажриба шаклланган.

Жумладан, Россия Федерациясида Ички ишлар вазирлиги таркибида транспорт полицияси учун мутахассис кадрлар тайёрлайдиган **алоҳида касбий тайёргарлик марказлари ташкил этилган**. Бу Марказларнинг асосий вазифалари транспорт полицияси ходимларини дастлабки касбий тайёргарликдан ўтказиш ва малакасини оширишдан иборат бўлиб, курсантларга махсус ўқув дастурлари асосида таълим берилади. Хитойнинг бир қатор **провинциялари институтларида темир йўл ва денгиз транспорти полиция бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш** бўйича алоҳида мутахассисликлар мавжуд.

**Академияда “Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолияти” мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши, қуйидагиларга имкон беради:**

- транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим бериш ҳамда соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- курсантларга мутахассислик йўналиши бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимларни беришда, амалий ва базавий машғулотларни ҳамда иш ўрганиш амалиётини ички ишлар органларининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари базаларида ташкил этиш;
- ушбу мутахассислик йўналиши бўйича илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш орқали таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш;
- курсантларда транспорт ва туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, бу борадаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантириш;
- хорижий тилларни билиш, фаолиятида ундан етарлича фойдалана олиш ва касбий фаолиятига оид ҳужжатларни тегишли хорижий тилда тайёрлай олиш кўникмаларини шакллантириш;
- транспорт ва туризм соҳасида бугунги кунда қўлланаётган ахборот-коммуникация технологияларини келгуси касбий фаолиятида қўллаш билиш, ахборотларни йиғиш, сақлаш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2022 йилнинг 4 май куни Ички ишлар органлари Темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш: натижа ва истикболлари деб номланган Республика илмий-амалий конферецияси доирасида Транспорт ва туризмда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари ходимлари билан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари.

<sup>2</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/prakticheskaya-napravlenost-podgotovki-kadrov-transportnoy-politsii-istoriya-i-sovremennost/viewer>

<sup>3</sup> Калугин А.Г. Организация подготовки полицейских кадров в Китае. к.ю.н, доцент., Вестник Сибирского юридического института ФСИН России – 2013 – С 93.

қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаш, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантириш;

– транспорт ва туризм объектларида доимий бўлмаган, бир вақтнинг ўзида кўп миқдорда тўпланадиган омма орасида, шунингдек оммавий тадбирлар шароитида ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга оид билимларни бериш ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш;

– доимий ўзгариб турувчи омма билан ўзига хос ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил эта олиш малакасини шакллантириш;

– транспорт ва туризм объектларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиби, асослари ва шартларини билиш ҳамда ушбу тадбирларни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;

– транспорт ва туризм объектларида тергов фаолиятини ташкил этишга доир касбий билимларни бериш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган ғоя, таклиф ва тавсиялар келгусида биринчидан, ушбу масалада олимлар ўртасида баҳс-мунозара юритишга, иккинчидан, бу борада тадқиқот йўналишларини белгилаб олишга, учинчидан, назарияда илмий асосланган концептуал ёндашувларни, амалиётда эса транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган фаолиятларнинг мантиқий, босқичма-босқич, комплекс ва самарали амалга ошириладиган тизимини шакллантиришга муайян даражада хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2020. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20 (624). – 221-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сонли қарори.